



O'ZBEKISTON OVOZI

«Наврўз — 2012»

ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН НАВРЎЗ

Баҳорни гўё қир-адирлардаги чучмома-ю бойчечак олиб келади. Баҳор бободоҳқон кетмони ағдараётган тупроқ иси, гуллар ифориға тўйинган кўкдам насими, сочларига толбарг таққан қизлар кулгиси, ям-шил майса устидан бел олишган алп йиғитлар шижоати ила кириб келади.

Ҳаётбахш умидлар борлиқни қамраб олади. Янгиланиш фасли қалбарда акс-садо беради. Улуғ бунёдкорликнинг абадий қудрати ўзига чорлайди. Табиат инъом этган поклик, ободлик, яратилган завоқ одам ва оламни боғлайди. Бунёдкор кўлардан атроф яшнайди.

Бирдамлик, меҳр-оқибат, одамийлик каби энг эзгу туйғулар диллардан дилларга ўтади. Юксак маънавиятдан куч олган яхшилик ва эзгулик кўшидан кўнгиллар нурга чўмади...

Юртимизга янгиланиш, уйғониш фасли ана шундай кириб келади. Табиат қудрати, бирдамлик, бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли — Наврўз бошланади.

БУНЁДКОРЛИК ВА БИРДАМЛИК

Наврўз — кут-барақа, меҳр-оқбат, бунёдкорлик ва ҳамжихатлик тимсоли. Биз эзгулик ва тинчлик тантанасини, юртга муҳаббатни Наврўзда кўраимиз. Наврўз неча минг йиллардан бери инсониятни бирдамликка чорлайди, табиатнинг абадий мувозанати, олам ва одам ўртасидаги буюк ришталар ҳақида сўзлайди. Рухимиз янгиланиш фаслидан қувват олади, Наврўз бизни маънавий камолотга ундайди.

«Янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳуммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний гоёлардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир», деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобиди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ватанимиз ҳудудиди бу байрам жуда қадим замонлардан, минг-минг йиллар илгари ҳам нишонлаб келинган. Улуғ алломаларимиз Наврўз тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотларни битиб қолдирганлар. Хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарларида Наврўз байрами, ушбу айём билан боғлиқ ноёб аъёнлар ҳақида муҳим далиллар келтирилган.

Наврўз — кўҳна тарихнинг аччиқ саҳифаларида ҳам неча-неча таъйикларга, оғир зарбаларга бардош бериб келётган ўчмас қадрият. Узоққа бормайлик, собиқ иттифокнинг Наврўзини, шу орқали халқимизнинг кўҳна тарихи, ўлмас қадриятлари, эзгу аъёнларини йўқотишга қаратилган уришлари ҳали унутилгани йўқ, Боз устига «ўзимиздан чиққан», «саллага кўшиб калла»ни ҳам олишга уста кимсалар Наврўзни таъқиқлаш, унинг ўрнига «Навбахор» деб аталмиш байрамни жорий қилиш йўлида «катта жонбозликлар» кўрсатди.

Аммо Наврўзнинг эзгу гоёларини халқимиз қалбидан шўронинг мафкураси ҳам, сохта байрамлари ҳам ўчирилмади. Энг оғир давларда ҳам Наврўз фалсафаси одамларимизнинг онгу тафаккурида яшади, эзгу тугумларда ўз ифодасини топди. Узоқ қишлоқларда, қиру адирларда Наврўз катта тантаналар билан нишонланди.

Наврўз — буюк Истиклолдан куч олган айём. Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримовнинг катта маънавий жасорати билан ҳали собиқ иттифок ўз қиллини қайраб турган бир пайтда — 1990 йил 3 май куни тарихий ҳужжат имзоланди. Президентимизнинг фармониға биноан 21 март — юртимизда Наврўз байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилинди.

(Давоми 3-бетда.)

Фракция фаолияти



Муроббек ЗИЁ, Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2011 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди, шунингдек, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Маълумки, Давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш, давлат харажатларини камайитириш захираларини аниқлаш, бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли ҳамда самарали фойдаланишни текшириш Ҳисоб палатасининг асосий вазифаларига киради.

2011 йилда Ҳисоб палатаси Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга

мулжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида белгилаб берган устувор вазифалардан келиб чиқиб фаолият кўрсатган.

Ўтган йили Ҳисоб палатаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Давлат бюджетининг 2010 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказган, 2012 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини экспертиза қилган.

Ҳисоб палатаси 2011 йил давомида маҳаллий бюджетларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб борди. Хусусан, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида маҳаллий бюджетларнинг ижроси текширилди.

Ҳисобот йилида мактаб ва коллежлар қуриш, реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш, қўшимча иш жойлари яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ишларига ажратилган маблағларнинг самарали сарфланиши ўрганилди.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Бир неча кундан бери гўзал Тошкент чиройига завқланиб тўймаймиз. Бу ердаги музей, театр, тасвирий санъат галереялари, замонавий иншоотлар ҳар қандай сайёҳга олам-олам завқ бағишлайди. Айниқса, Темурийлар тарихи дават музейидаги бой тарихингизни акс эттирган ранг-баранг экспонатлар мени ҳайратга солди. Музейда талабалар билан ҳам суҳбатлашиш имконига эга бўлдим. Ўзбекистон ёшларининг юксак маданияти, улкан интеллектуал салоҳиятига қойил қолдим.

Кўплаб мамлакатларга саёҳат қилганман. Шунингдек таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек эзига мафтун этмаган. Саёҳатим давомида дунёга машҳур Самарқанд ва Хива шаҳарларининг ноёб ёдгорликлари, осори-атиқалари билан танишиш ниятидаман.

Паулс КАЙЗЕР, (Германия).

Миллий матбуот марказида

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда таъкидланишича, ўтган 2011 йилда давлат органлари томонидан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган 204 мингдан кўпроқ тадбир ўтказилиб, унда 3,2 миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этди.

Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 17 минг нусхада дарслик, ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материаллар чоп этилди.

Матбуот анжуманида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан имзоланган Меморандум асосида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганлиги алоҳида эътироф этилди.

2011 йил мобайнида 400 минг нусхада кўнлар, кодекслар ва уларга шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик соҳага оид китоб ва журналлар нашрдан чиқди. Шунингдек, тадбирда, вазирликнинг қонун ижодкорлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқий билимини ошириш, вазирликнинг халқаро, таълим, суд экспертиза, малака ошириш йўналишларидаги фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам журналистларга батафсил маълумотлар берилди.

Равшан ШОДИЕВ

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ОНА, АЁЛ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

«Аёл — табиатнинг энг буюк мўъжизаси».

Ислам КАРИМОВ



Рамада гоё бўлади. Гоёда рамз бўлади. Бизнинг болаларимиз аёл зотини севиб-ардоқлаб, асраб-авайлаб келишган. Уларга атаб нафакат шешру дostonлар, балки афсонавий обидалар барпо этганлар. Обидалар уларга меҳр-муҳаббатнинг, эъзознинг тимсоли бўлиб келаётир.

Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асариди Бибиҳоним жоме масжиди қурилишига улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзлари шахсан бош-қош

бўлганликларини таъкидлайди. Мусид гўмбазининг осмон гўмбазини каби, пештоқи эса сомон йўли пештоқиға ўхшашини катта гуруру ва ифтихор билан тавсифлаган. Ва шундан сўнг буюк тарихчи Яздий: «Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат берадилар», деган ҳикматни келтирган экан.

Мустақиллик бизга ўзимизнинг азалий, меҳрли, ҳикматли рамзларимизни қайтариб берди. Ўзбек аёли, она сиймоларини ҳам. Совет дав-

рида аёл деганда ўроқ кўтарган жанговар хотин кўз олдимизда пайдо бўлиб, қўрқитар эди. Бу сиймо «Мосфильм»нинг ҳар бир киноси олдида тарғиб қилинар эди. Жамиятнинг онгу қалбиға миҳланар эди. Унга ўхшаш учун миллионлаб ҳош хотин-қизлари ўз латофату малохатидан, соғлигидан, ифрату назокатидан айрилиб яшади.

Узоқ ниятни кўзлаган шўролар 74 тонналик чўяндан Ленин ҳайкалин ясаб, Тошкентнинг қок юрагига ўрнат-

ди. У 74 йил зулм ва истибод рамзи бўлиб турди. Мустақил халқ ифодаси уни 74 минутда суғуриб ташлади. Она тупроқ покланди. Дард кетиб, дармон келди. Мустақиллик монументи қад ростлади. Ватан деган буюк маънавий тушунчанинг моддий рамзи — Она рамзи балқиб чиқди. Бош майдонимизнинг тўрида эъзоз топди.

Мустақиллик майдонида икки онамиз ўтирибди. Келин-куёвлар, набирасини етаклаган бобо-момолар, гала-гала ёш-яланлар, Ўзбекистонга ташир буюрган чет эл давлатлари раҳбарлари, расмий меҳмонлар уларнинг пойига гулчамбарлар тўшамоқдалар.

АЁЛ, ОНА — ЧИРОЙ, ЧАРОҒБОН

Буюк инсонлар аёлларни эъзозлаганлар. Ҳазрат Амир Темурнинг Сароймулк хоним — Бибиҳонимга ҳурматлари бунга буюк ибрат. Ақл, тафаккурда, мардлик ва жасоратда беназир ул зот улуғ ишларни бошлашдан аввал умр йўлдошлари Бибиҳонимга маслаҳат солганлар, уларнинг фикрларини инобатга олганлар.

(Давоми 3-бетда.)

Қишлоқда «Саломатлик кунлари»

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, тиббиёт муассасалари техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар Сурхондарё вилоятида ҳам ўзининг юксак самараларини бераётир.

Термиз тумани «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти 7 мингдан зиёд аҳолиға тиббий хизмат кўрсатади. Беморларни қабул қилиш, диагностика, кундузги стационар, физиотерапия, лаборатория хоналарида аҳолиға бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. 16 нафар

тиббиёт ходими беморларға сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бирға касаликлар профилактикаси масалаларини ёритиш, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида маҳалларда «Саломатлик кунлари»ни ўтказишни доимий йўлга қўйган.



Суратда: ҳамшира Ойдин Хўжанова. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2012 ЙИЛ 13 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|---------|---------------------|--------|--------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 1933,04 | 1 АҚШ доллари | 1835,75 | 1 Хитой юани | 290,29 | 1 Польша злотийси | 587,97 | 1 Евро | 2421,72 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2875,70 | 1 Миср фунти | 304,44 | 1 Россия рубли | 62,14 | 1 СДР | 2831,08 | 10 Жанубий Корея вони | 16,36 |
| 1 Дания кронаси | 323,42 | 1 Исландия кронаси | 14,52 | 1 Украина гривнаси | 229,81 | 1 Туркия лираси | 1027,80 | 10 Япония иенаси | 223,00 |
| 1 БАА дирҳами | 499,80 | 1 Канада доллари | 1849,44 | 1 Малайзия ринггити | 606,86 | 1 Швейцария франки | 1992,56 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



ДАВЛАТНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ

ОАВ фаолиятини кучайтиради

Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш борасидаги ислохотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиши билан бевосита боғлиқ. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Улар ҳаётнинг барча соҳасида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар бўйича тезкор, таҳлилий ва ҳолис ахборот бериб борса, аҳолининг жамият ҳақидаги билими ортади. Одамлар ўзи яшаётган ҳудуднинг ривожланиш хусусиятлари, ютуқ ва камчиликларга ўзини дахлдор ҳис этади, ўзи яшаётган жой гуллаб-яшнаши учун қайғуради ва жараёнга ўз муносабатини билдиради. Шунинг учун жамиятда ахборот алмашинови тизимини такомиллаштириш, соҳага доир қонунчиликни кучайтириш ғоятда муҳим.



Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Айтиш кераки, бу борада мамлакатимизда муайян тажриба тўпланган. 1300 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Улар аҳолининг ахборот эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаётди.

Аммо ахборот ва фикр алмашиш кучи бўлиши нафақат ОАВ сонига, балки ахборот сифатига ҳам боғлиқ. Бунинг ҳаётини ўзи кўрсатди. Бугун соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш, ОАВ фаолиятини кучайтириш учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур.

Шу маънода, Президентимизнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун кўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори муҳим

аҳамиятга эга. Унга кўра, тахририятлар, нашриёт ва босма хоналар хизматлардан оладиган даромадлар қисмида Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан, ОАВ ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тахририятлар, нашриёт, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари олиб келадиган қозғоқ, полиграфия материаллари, ахборот сақлаш мосламалари ва ускуналар божхона тўловларидан озод қилинди.

Микрофирма ва кичик корхоналарга мансуб ОАВ тахририятлари, нашриёт, полиграфия ташкилотлари ва телерадиоэшиттириш компа-

нингдек, уларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, тегишли қонун лойиҳасида ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий кафолатлари, тамойил ва шакллари ҳамда бу борадаги инфратузилма аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қонун билан кафолатланиши, тегишли имтиёзлардан фойдаланиш бўйича мезонлар аниқ ва тизимли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу борадаги қонун лойиҳаси ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлиши лозим.

Хусусан, унда оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, миллий ахборот бозорида ижтимоий аҳамияти юқори ахборотлар салмоғини ошириш, соҳа кадрларини тайёрлаш, ижтимоий буржмаларни бажарадиган ОАВга солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши ва бошқа муҳим масалалар ифода этилиши лозим.

«Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси соҳадаги иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий-техникавий ва бошқа муносабатларни қамраб олиши, шу орқали оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тизимлилигини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Бунда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тенг кафолатларини яратиш, асосий тамойилларини белгилаш, уларнинг ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, хусусан, ажратилаётган маблағ ва имтиёзларнинг мақсадсиз ишлатилишига йўл қўймаслик, бу борада ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш зарур.

Тахрирлар шунинг кўрсатишича, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ. Масалан, Швецияда матбуотни қўллаб-қувватлаш борасида ишлаб чиқилган модел ўзига хос. Мамлакатда даврий босма нашрларнинг кескин камайиб кетиши ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга зарурат туғдирган. Швеция парламентининг тегишли комиссияси тавсияси билан бу борада қонун ишлаб чиқилган. Унда оммавий ахборот воситалари соҳасида монополистик фаолиятни чекловчи, айни пайтда янги газеталар таъсис этиш учун субсидиялар берилиши бўйича меъёrlар белгиланган.

Норвегия давлатининг тегишли қонунда ҳудудий матбуот нашрларига давлат томо-

нидан дотациялар, шунингдек, ахборот агентликларига мақсадли субсидиялар бериш белгилаб қўйилган.

Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими аниқ ва изчил бўлиши лозим. Шунинг учун «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда дунё давлатлари қонунчилиги, уларнинг самардорлиги чуқур ўрганиб чиқилиши, энг илғор тажрибалар олиниши, қонуннинг ҳар бир банди мукамал бўлиши, тараққиётга йўл очилиши зарур.

Давлат ва жамият бошқарувининг очиқлигини таъминлашда ОАВ фаолиятининг таъсирчанлиги жуда муҳим. Шу боис, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими мукамал, ахборот бозорида фаолият кўрсатувчилар учун қулай бўлиши керак. Бунда давлат бошқаруви органларининг ОАВ фаолиятига аралашуви билан боғлиқ ҳолатларни ҳисобга олиш, ОАВга давлат томонидан афзаллик ва қулайликлар яратиш бериш, соҳа ходимлари, хусусан, журналистларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш, ҳеч шубҳасиз, демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Фракция фаолияти



ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳисобот йилида палата ўзининг иш дастури асосида 42 йўналишда 116 объектда назорат тадбирларини амалга оширган. Уларда Давлат бюджетни маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳолатлари аниқланган, шунингдек, айрим йўналишларда бюджет маблағларини қўлайтириш имкониятидан унмўли фойдаланилмаган. Бу борада аниқланган хато ва камчиликларни бартароф этиш бўйича Ҳисоб палатаси чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, тегишли муассаса ва ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган 25 та кўрсатма юборилган.



Депутатлар Ҳисоб палатасининг устувор вазифалари ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Таъкидландики, палата 2011 йилда Давлат бюджетни ижросини таъминлаш бўйича самарали назорат тадбирларини амалга оширган.

ЎзХДП фракцияси Ҳисоб палатасининг 2011 йилги фаолиятини тўғрисидаги ҳисоботини қўллаб-қувватлади.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЎзХДП Шайхонтохур туман кенгашига 140 та бошланғич ташкилот бирлашган. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодиёт уйи, Ўзбек Миллий академик драма театри, Маннон Уйғур номли, «Кўкча», «Оқ нон» маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги бошланғич ташкилотлар партия дастурий ғояларини тарғиб қилиш, аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини оширишда бошқаларга ибрат бўлмоқда. Олим Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган ҳудудий ташкилотни ҳам шулар қаторига киритиш мумкин.



ҚУЙИ БЎҒИН КУЧАЙСА...

ҳаётини ташаббуслар кўпаяди

дий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларда оила ва жамият олдидagi гуруҳ ва масъулият ҳиссини кучайтиришга қаратилган. Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик нозирати олиб бориш бўйича муҳим вазифалар белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизни замон талаби даражасига кўтаришга ҳаракат қилаёلمиз.

Худудда касаначиликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексалар ҳолидан хабар олиш, йигит-қизларни катта ҳаётга тайёрлаш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш доим эътиборда.

Туманимизда 49 та маҳалла бор, уларнинг 43 тасида ЎзХДП ҳудудий ташкилоти фаолият юритади. — дейди Шайхонтохур туман партия кенгаши раиси ўринбосари Сардор Ўстмухаммедов. — Партияимиз электроти вакиллари сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини оширишга ҳаракат қилаёلمиз. Бу, кишиларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, уларга амалий ечим топиш учун ғоятда муҳим.

Яқинда Тошкент шаҳар партия кенгаши ижроия кўмитаси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари ва депутатларнинг БПТ етакчилари билан ишлаш кўникмасини такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди, тегишли тавсиялар берилди.

Шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари муҳокамасига электротариф вакиллари билан тегишли масалаларни олиб чиқишда бошланғич ташкилотлар ташаббускор бўлиши лозим. Шунда иш амалий тус олади. Бу борада бизга шаҳар Кенгаши депутати Муҳаммад Раҳматуллаева яқиндан ёрдам бераётти. У маҳаллада электротариф вакиллари билан тегишли масалаларни олиб чиқишда маҳалла аҳли билан бамаслаҳат иш тутаяпти.

Бу йил сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни асосан бошланғич ташкилотларда ўтказамиз. Мақсад қуйи бугун кунга тўлсин. Шунда ишимиз олдинга босади.

Гулрух ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Муродбек ЗИЁ олган сурат.

Партияларо баҳс

ВАЪДА БОШҚА, АМАЛИЙ ИШ БОШҚА

ёки айрим жойларда ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар унутилаётгани ҳақида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва унда сиёсий партиялар ишлари таҳлил этилса, ўзига ортиқча баҳо бераётган партияларнинг ҳақиқий аҳволи маълум бўлади, қўяди.

Бугун сиёсий партиялар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш унчалик қийин иш эмас. Ҳар бир сиёсий куч сайлов олдидан белгилаб олган Дастурига эга. Орадан маълум муддат ўтган ҳозирги шартларда ўша ваъдалар ижросига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат ҳолис ҳулоса чиқариш керак: ижро ҳолатида амалга ошираётган ишлар билан сиёсий партиянинг фаолиятини аралаштириб юбормаслик зарур.

Сиёсий партия Дастурида вазифалар аниқ баён этилган ва улар аниқ ижронини талаб этади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида устувор йўналишларидан бири сифатида «Хозирги шартларда асосий эътибор медиа-тармоқлар, матбаачилик корхоналарини ахборот-коммуникация соҳасида энг янги ютуқлар ҳисобда яратилган техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалаларига қаратилиши зарур»лиги қайд этилган.

Албатта, медиа-тармоқлар ва матбаачилик корхоналарини янгилаш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, мустақилликдан олдин юртимизда 475 босма ва электрон оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сонини 1200 тани ташкил этаётти. Айниқса, матбаа соҳасининг жадал суруятлар билан ривожланиб бораётганига мамлакатимизда фаолият юритаётган 1400 дан ортиқ матбаа корхоналари мисолида амин бўлишимиз мумкин. Улар ўз маъсулиятини нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки ташқи бозорга ҳам маҳсулот экспорт қилаётти.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда 2002 йилдаги «Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисоб-

га қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари матбаа корхоналари фаолиятини ривожда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Рўздат Сафоевнинг таъкидлашича, юртимизда матбаа соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, полиграфия корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш масаласига доимий эътибор қаратилиб келинаётти. Хусусан, матбаа корхоналарининг аксарияти замонавий, жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган, юқори қувватга эга матбаа ускуналари билан жиҳозланган.

Аммо матбаа корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага илғор технологияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш жараёнини янада сифатли ва самарали тарзда йўлга қўйиш борасида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги матбаа корхоналари, хусусан, босмакорхоналар фаолияти бунга мисол бўлади.

Замон талабларидан ортда қолгани, моддий-техника базаси янгиланмагани учун бу босмакорхоналар хизматидан вилоятдаги аксарият матбуот нашрлари фойдаланмайди. Вилоятдаги қатор газеталар Қарши ва Самарқанд шаҳридаги замонавий босмакорхоналарда чоп этилмоқда.

Бу жараёнга Сурхондарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Урол Олтибоев шундай изоҳ берди:

— 2012 йил 9 март ҳолатига кўра, вилоятимизда 33 та даврий босма нашр давлат рўйхатига олинган. Шундан 14 та газетани вилоятдаги «Денов босмакорхонаси» ва «Сурхондарё босмакорхонаси»да, 6 таси Самарқанд шаҳридаги «Ношир люкс», 11 та газетани Қарши шаҳридаги «Узоқ бобо» босмакорхонасида ва 2 та газетани Тошкент шаҳридаги босмакорхоналарда чоп этилади. Айни пайтда вилоятимизда газетани чоп этишга мўлжалланган 3 та мат-

баа корхонаси бор, лекин улар замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминланмаган, газеталарини рангли бошиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ўз маҳсулотини рангли чоп этишни хоҳлаган тахририятлар бошқа вилоятлардаги босмакорхоналар хизматидан фойдаланишига мажбур бўлаётти.

Маълум бўлишича, Самарқандда чоп этилаётган газеталар орасида вилоятнинг бош наشري — «Сурхон тоғи» ва «Заря Сурхана» газеталари ҳам бор. «Заря Сурхана» газетаси бош муҳаррири Гулбахор Тангировнинг таъкидлашича, газетани рангли чоп этилаётти. Вилоятдаги мавжуд босмакорхоналарда бундай имконият йўқлиги сабабли Самарқанддаги босмакорхона хизматидан фойдаланишга мажбур бўлиняпти.

Ҳар бир соҳанинг тараққиёти учун маълум ташкилот ва идоралар бор, албатта. Аммо мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, сиёсий, маънавий-маърифий масалалар бўйича сиёсий партиялар ўз зиммасига олган вазифалар ҳам аниқ. Хусусан, ЎзЛиДеПнинг сайловолди Дастурида юқорида айтилгандек, медиа-тармоқлар ва матбаачилик корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш масалалари устувор йўналишлардан этиб белгиланган.

Бирок 2009 йилги сайловлардан бери ўтган икки йил орасида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлари бу масалага эътибор қаратишни унутган қўринадилар. Вилоят сессияларида босмакорхоналарни модернизация қилиш, замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласини бирор марта муҳокама қилишга эришмаган, ҳатто тақлиф ва тавсиялар ҳам беришмаган.

Ваъдани бериш осон, лекин уни амалда бажариш учун фаоллик ва ташаббус талаб этилади. Сайловолди Дастурида катта катта ваъдаларни берган, бугун ҳам ўз фаолиятларига юксак баҳо бераётган либераллар сўзшарҳидаги «Ношир люкс», 11 та газетани Қарши шаҳридаги «Узоқ бобо» босмакорхонасида ва 2 та газетани Тошкент шаҳридаги босмакорхоналарда чоп этилади. Айни пайтда вилоятимизда газетани чоп этишга мўлжалланган 3 та мат-

Элмурад ЭГАМҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

2012 йил — Мустақкам оила йили

ОНА, АЁЛ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

Етти иқлимда илму-тарикатлари билан машҳур Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари шундай васият қилган эканлар: «Бизни зиёрат қилмоқни истаганлар аввало оналарни ризо айлаб, сўнгра волидамиз қабрларини зиёрат қилиб, бизни хушнуд этсинлар...»

Мамлакатимизда «Мустақкам оила» йилининг ҳар соати, ҳар кунги аёлларни, оналарни улуғламоқда. Ўзбекистонда куёв ҳам аёллар, оналарни мадҳ этиш учун чиқаётди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов аёлларни «**оилаларимиз чиройи ва чароғбони**» деган гўзал сўзлар билан эъозладилар.

Ҳаммамизни «**аёл зоти, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш**»га, ардоқлашга даъват қилдилар. Бунинг ҳикмати нимада?

Инсоният тарихига илмий назар ташласак, одамизодни кўчманчи-овчи ҳаётдан ўтқоқ, демек маданий ҳаётга ўтказган ҳам аёл — оналар бўлиб чиқмоқда. Бир мисол. Аёлларнинг инсоният тарихида тугган ўрни ҳақидаги энциклопедиялардан бирида аёллар азалдан оилаларнинг том маънода чароғбони бўлишга ниҳоят эришган. Ибтидоий жамоа давридаёқ аёл ўчоқ атрофида туну кун парвона бўлиб, хушёр туриб, сеҳрли дуолар ўқиб, оловни ўчирмай турган. Хонадонда нурни асровчи чароғбон бўлишган.

Фарзандларига қараб, макон, ўчоқларини қўриқлаб, эрларнинг овдан қайтишларини кутганлар. Вақтдан унумли фойдаланиб, бичиш-тиқиш қилганлар. Натижада хунармандчиликни ҳам, омонат кулба атрофида экин-тикин қилишни ҳам аёллар бошлаб беришган. Аста-секин аёллар меҳнатининг самараси оша борган. Кейинчалик улар эрларига кўчманчиликни тарқатиб, мустақкам уй қуриш, уй атрофида деҳончилик қилиш гоёсини ўқитиришган. Бу эса ҳозирги цивилизациянинг — ўтқоқ ҳаёт, маданият, шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келган, дейилади.

Аёлнинг теварак-атроф, олам воқеалари ҳақидаги билимларни сақлаб, кейинги авлодларга айтиб бергани унинг бугунги цивилизация олдига буюк хизматларини исботлайди. Бу назария бугунги инсоният цивилизацияси, урбанизациянинг бошида ОНА — АЁЛ турганлигини кўрсатмайдими?

Ҳа, Аёл — оила қўроғининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони. Чунки аёлисиз оила, рўзғор чиройини йўқотди. Совуқ, жонсиз кўринади. Қоронгуликда қолади. Уни чароғбон — (маъноси: қўлида чироқ тутган; чироқни шамол ўчирмасди, деб авайлаб-асраб, қўриқлаб турувчи) аёлнинг борлиги ёритиб туради. Оталарнинг уйга кириб, болаларига берадиган биринчи саволини эслайлик: «Ойинг қани?...» Нега опа, ака, укаларимиз кўчадан кириб, «Ойим қани?» дейишади?

Мотамсаро Она

Мотамсаро Она. Мазлума. Кечаги Ватанимиз рамзи. Фаним унинг мустақкам, аҳил оиласини буюди. Жигарпорасини олиб олди. Унинг ўғли душманга жонини берди, лекин Ватанини бермади. У онасидан олган оқ дуо, жасорат билан душманни енгди. Демак, она, ўғлининг жасорати билан олиб қолди Ватани. Камгарин, камсукум, иссиқ, қадоқ қўли, содда, меҳри дарё она ана шундай қудратли. Бугун улар Қўрақалпоғистон Республикасида, пойтахтимизда, вилоятларимизнинг марказий майдонларида, тўрда ўтиришибди. Ўтиришлари ўзбекона, аммо гоёти муғли.

1999 йилнинг 15 январидан ба 26 февралгача Президент Ислам Каримов икки юз ишчи, устаю муҳандис кечаю кундуз тинмай ишлаётган, қурилиш қизғин тус олган мақсур зиёратгоҳдаги бунёдкорлик ишлари билан бориб танишади. Қурилажак Мотамсаро она

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳайкалининг эл-улус оёқ узмайдиған зиёратгоҳга айланишига алоҳида эътибор қаратади.

Ҳайкал уруш туфайли оғир кулфатларни бошидан кечирган, жигарбандидан айрилиб, беҳад қайғу-жафо чекаган ва қадди эгилиб қолган мунис ва муштира она ҳасратларини ўзида тулик намоен этиши, ҳайкал пойидаги «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» деган ёзув эса, инсон хотираси жуда азиз ва муътабар эканини англайтиб туришини таъкидлайди. Ўзбек аёли, ҳар биримизнинг оналаримиз ҳақида одамни ларзага соладиган фикрларни айтади.

Фарзанд сўзи «аёлнинг шодлиги, бахти», деган маънони билдиради, дейдилар. Буни Бахтиёр Она монументи тасдиқлаб турибди. Бахтиёр она юзини ортобга тутганича, боласини баррига босиб ўтирибди. Соғлом, дуркун ўғлининг юз-кўзларига тўймай тикилаятти, лаблари табассумда. Ўғли билан сўзсиз сўзлашаётди. Энг покиза орзуларини сўзлари билан эмас, кўзлари билан айтаётди. Унга буюк ва мунаввар келажак тилаётди. Фарзанд бундан сархуш. Бахтиёр Онанинг оҳанрабо кўзларидан, чиройли юзларидан нур эмаётди гўё.

Ёш келин-куёвлар унга мустақкам оила қуришга аҳду паймон қилмоқдалар гўё. Бахтиёр она минглаб бахтиёр келин-куёвларнинг фотосуратларида муҳрланмоқда. Бу суратлар солинган альбомлар уларнинг болаларига, невараларига ўтади. Неваралар ҳам воёга етиб, унинг қошига келдилар. Демак, Бахтиёр она ёш оилаларга бахт улашиб, абадий яшайди.

Оналаримиз, опа-сингилларимиз саломатлигини, турмуш шароитлари, кайфиятларини кўтариш, уларни эъозлаш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш мустақил Ўзбекистонимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Мустақкам оила йили шарофати билан бу хайрли ишда янада юқори маррага чиқамиз. Чунки Президентимиз маърузаларида «...ҳар қайси оиланинг юқини ҳеч нолмасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўроғининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш» масаласи кўндаланг қўйилди. Кимдир бугун уйдан чиқаётди, аёлига айтган ширин сўздан мамнун бўлди. Кимдир кеча аёлига қаттиқроқ гапириб қўйганини эслади. Хижолат бўлди...

«Оммавий маданият» аёл сиймосини реклама воситасига айлантирди. Бундайларга аёлнинг қалби, инсоний қиммати, юксак оналик мартабаси керак эмас. Уларга аёл ёш ва гўзал бўлса, бас. Ўзбеклар эса аёлни нозик қалбли, меҳрибон ИНСОН, Она, опа, хола, қизим, кеннойи, сингилм деб иззатлайди. Умрида биринчи бор кўраётган бўлса ҳам.

Ўзбекона мурожаатда қондошлик, ҳарорат, лутф бор. Она, хола, қизим, кеннойи, сингилм, деган мурожаатда «Сиз менинг опамсиз, холамсиз, қизимсиз, сингилмисиз, кеннойимсиз. Мен сизга бегона эмасман. Худди укангиздек, акангиздек, қайнингиздек ёрдам беришга тайёрман», деган маънавий бор бор.

Она рўзғорда ота билан фарзандларни бирлаштиради. У ота билан фарзандлар бир-бирларидан ийманиб, очик айтолмайдиган гапларни етказувчи дипломат. Адвокат. Тилмоч. Таржимон.

Она — ҳар қандай мақтовлардан юқори турувчи сиймо. Шунинг учун Она сўзи қўшилган сўзлар ҳам муқаддаслашади — Она Ватан. Она замин. Она юрт. Она тупроқ. Она тили. Ватан химоячилари она — Ватанимга содиқман, деб қасамд қилишади. Онанинг қўлидаги нонни тишлаб, Ватан химоясига отланишади. Онаизор уларни ҳар минут, ҳар соат, ҳар кун кутган. Кутади. Қайтмаса, фарзанд доғида онадай қуядиган муштира қани?

Пойтахтимиздаги «Ватанга қасам» монументининг бош қаҳрамони ҳам — Она. У Ватан билан бир тан, бир жон бўлиб, фарзандни кузатаётди. Бу миллий маънавиятимизнинг гўзал суратларидан бири. Зеро, аёлни, онани химоя қилиш Ватанни химоя қилишдек муқаддас.

Мамлакатимизда оналаримизни эъозлаб, ҳурматлаб қилинаётган ишларга қараб туриб, беихтиёр «Аёллар-

га эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак», «Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларининг тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, хоаларингдир», «Авалло онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», дейилган муборак ҳадислар ёдга тушади.

«Жаннат оналар оёғи остидадур» деган ҳадисни эшитганимизда кўзларимиз оналаримизни кўтариб турган Ўзбекистон тупроғида тўхтайдими.

Оилага ҳурмат-эҳтиром

Одамзод оилага қўйилган монументни кўрмаган эди. Кўрди. Ўзбекистонда. Президент Ислам Каримов ташаббуси ва гоёси асосида 2006 йили, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўй арафасида шу табаррук заминда ўзбек оиласига «**Эл-юрт таянчи**» деган муаззам ёдгорлик қад ростлади.

Бундан мақсад нима эди? Бунинг ҳикматини Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан топдик: «...бу мухташам бадийи обида орқали биз минг йиллар давомида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечириб, ўз она юртини ҳар қандай бало-қазолардан асраб-авайлаб келган, ўғил-қизларини ақлаковат, мардлик ва матонат соҳиб этиб тарбиялаган бунёдкор халқимизга, унинг том маънода таянчи бўлган оилага чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғусини муҳассам этишни мақсад қилиб қўйдик». Эътибор бердингизми?! «Бунёдкор халқимизга», унинг(халқнинг) таянчи бўлган оилага ҳурмат-эҳтиром туйғуси муҳассам изҳор қилинди.

Ота, она, ака, сингил. Уларнинг юз-кўзлари, қиёфаларидан мамнуният, самимият, меҳр-оқибат туйғуларини тараляётди. Монументнинг замини, пойдевори мустақкам. Бу ҳам ҳаётимиздан олинган. Чунки унга халқимизнинг мингйилликлар синовидан ўтган миллийлиги, ўзлиги, аждодларнинг муқаддас аънаналарига асос.

Бу оила меҳнатдан роҳат олади. Оилам, шу азиз Ватаним деб қилинадиган ҳар қуллик меҳнатдан. Ана шунинг учун ҳам у фаровон, соғлом, мустақкам. Аҳил. Шунинг учун монумент пойга гулчамбарлар қўяётган ёш келин-куёвлар бу обидадан ибрат, ҳикмат олмақдалар.

Ўзбекистонда аёл зотининг миллий-маънавий даражада қадрланишига жазон аёллари ҳавас қилмоқда.

— **Биз фароб аёлларига ҳам шарқона нафосат ва донишмандлик керак, — дейди ўзбек санъатининг тарғибчиси америкалик Лаурэл Грей хоним.**

— **Мен қалбам мусулмонман, ўзбекча уй ясаиб қўйганман. Атласда қорини яхши кўраман. ... Ўзбек аёллари табиий гўзалликларни, малоҳатлари, соддаликларини йўқотмасликларини истардим. Биз америкалик аёллар эркакшоҳа бўлиб кетганмиз. Аёл ҳақида ноциқлигида қолса яхши, деб ўйлайман. Ҳар бир миллатнинг ўз донишмандлиги бор. Либлилар, қийиниш урфларида ҳам халқнинг тарихи, феъл-атвори ва ҳақиқий қиёфаси акс этади. Ўз донишманд бўлоқларидан ўзоқлашган миллатлар ўзалигини тез йўқотади. Дунёда эллар, эллар жуда кўп. Мен ўзбек халқини Аллоҳ гўзаллар, донилар ва маънан қудратли халқлар сирасидан қилиб яратган, деб биларман. Меҳрим, муҳаббатим Сизга бўлсин, Ўзбекистон аёллари.**

Бугун холисанилло ўзимизга шундай саволларни бериб қўрайлик: Қайси мамлакатда оналар, аёллар Ўзбекистондагидек эъозланмоқда?

Ўзбекистон хотин-қизларини авайлаш, турмушини тугал, ҳаётини гўзал қилиш, эъозлаш бўйича юксак марраларни қўлаб, амалий ишларни қилмоқда. 2012 йилнинг Ўзбекистонда «Мустақкам оила йили» деб аталиши ҳам ана шу улуг мақсаднинг ёрқин бир далили эмасми?

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори.

«Наврўз — 2012»



ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН НАВРЎЗ

Истиклол туфайли Наврўз мамлакатимизда наинки қайта қарор топди, аинки чоғда изчил ривожланди, тақомиллашди, мазмун-моҳияти бойиб борди ва эзгулик билан йўрилган янги қирралари янада сайқал топди. Бугун Наврўз халқимиз катта қувонч билан нишонлайдиган азиз айём сифатида тамомила янги руҳ, ўзгача тароват касб этди.

Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларига бу улуг айём янада ўзгача мазмун бағишлямоқда. Янгилашми фасли юртимизда кўчат экиш, боғ яратишдек эзгу тадбирлар билан бошланади. Ер эгаси бўлган бо-бодоҳқон умид билан заминга уруғ қайтади. Энг муҳими, у бугун тўққан пешона тери роҳатини эртага қўришини, элимиз фаровонлиги, юртимиздаги тўқинлик учун меҳнат қилаётганини яхши англайди. Бугун далаларимизда баравж қўлаётган бугдой дастурхонимиз тўқинлигининг қафолатиدير.

Эзгулик ва инсонийлик, оқибат, хайр-саховат — буларнинг барчаси мамлакатимизда Наврўз қадриятларига ҳамоҳанг равишда кенг қулоч ёзмақда. Мамлакатимизда қарор топган қулчи ижтимоий сиёсат Президентимиз Ислам Каримов томонидан иш-лаб чиқилган тарққиётнинг «ўзбек модели» халқимиз ҳаёт тарзига, миллий аънава ва қадриятларимизга нақадар узвий ва ҳамоҳанг эканининг ёрқин далилатидир. Қарияларни қадрлаш, хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром, муҳтож инсонларга хайр-саховат кўрсатиш ҳақиқатимизда қарор топган эзгу аънаналардан-дир.

Наврўз — бирдамлик байрами. Баҳорнинг илк кунларидан шаҳару қишлоқларда, овул-маҳалларда бошланадиган хашар ҳамжиҳатлик ва аҳиллик, тинчлик ва тотувлик белгиси, янгилашми фаслининг кўнгидаги ифодасидир. Ҳашарда йўллар, ариқ-зовурлар, қабристонлар, боғу хиёбонлар тозаланади, тартибга келтирилади. Энг муҳими хашарда иштирок этишни ҳамма ўзининг инсоний бурчи деб билади, шу орқали юртининг бугунги ва эртасига бефарқ эмаслигини, ҳамма бир-бирига ҳамиша елкадош эканини намоен этади.

Бебаҳо қадриятлар бешиги

Қадриятлар аввало оила бағрида шаклланади. Асрлар оша сайқал топиб, бойиб бораётган Наврўзнинг энг ноёб қадриятлари ҳам оилавий аънаналар билан яшамоқда. Баҳор таомларига қўни-қўшилларга улашиб, сумалак сайли, ялпиз терими, каби ана шундай удумлар одамийлик ришталарини мустақкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2012 йилга Мустақкам оила йили деб ном берилиши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Зеро, ҳар бир инсон қалбига яхшилик, ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчалар аввало оила бағрида қарор топади.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳар томонлама қўмак бериш, ёш оилаларни қўлаб-қувватлашга қариллаётган улкан эътибор бугун ҳаётимизда мустақкам ўрин эгалламоқда. Аҳолини уй-ҳой билан таъминлаш, оилаларни маънавий ва моддий юксалтириш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ислам Каримовнинг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан қабул қилинган «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришга оид устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу эзгу сай-ҳаракатларнинг барчаси «Оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Зеро, инсон энг эзгу, пок ниятлари ижобатини оилада, соғлом ва баркамол фарзандида, оилавий бахтида кўради.

Давлат дастурида жамиятда мустақкам оила институтини ривожлантириш, маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсирини қўчатириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Азал-азалдан юртилик маҳаллалар миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Узаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтишманда, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, хашар ва маъракаларни қўччилик билан бамасхалат ўтказиш, бир-бирини яхши-ёмон кунда йўқлаш каби халқимизга хос қадимий урф-одатлар ва аънаналар маҳалла муҳитида шаклланди.

Осойишталик тимсоли

Тинчлик ва тотувлик — Наврўз фалсафасининг улуг қадриятларидир. Халқимиз азал-азалдан осойишталикни, аҳилликни қадрлаб келади. Зотан, тинчлик фаровонлик ва кут-баракат асосидир. Шу боис Наврўз айёмида ҳамжиҳатлик ришталари мустақкамланади, гина-қудуратлар унутилади, янги кун кўнги ободлиги, қалб покизағлиги билан кўтиб олинади.

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишлари, ободонлаштириш тадбирлари, хашарлар устидан қиқасиз. Бу халқимизнинг янгилашми айёмига интиқлиги, байрамлар фасли бўлган баҳорга муҳаббатнинг юксак ифодасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2010 йил 23 февралда кўнги қабул қилинган қарорига биноан 21 март бугун дунёда Халқаро Наврўз кунига деб эълон қилинди. Наврўз байрами, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Репрезентатив номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди. Бу халқимизнинг мингйиллик қадриятларидан бири — Наврўз оила уммининг цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшганининг, бу байрам ўз маъно-маъмуни, гоёси билан инсониятнинг эзгулик, бирдамликка, тинч-тотув яшашга, табиатнинг абадий мувозанатини асрашга ундаб келлаётганининг юксак эътирофидир.

Ҳа, янгилашми ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак ҳусусиятлардан озиқланиб келади. Табиатнинг бу устувор қудратини ҳис этарканмиз, беихтиёр қалбларимизда ана шу фазилатлар туғён уради. Эзгу ният, покиза туйғуларимиз билан Янги кунга — Наврўзга пешовоз чиқамиз. Шу баробар онгу тафаккуримиз, қалбимизда бир янгилашми, поканишми ҳис эстамиз. Бу уйғониш нафаси йил бўйи ҳаётимизни нурафшон этади, яшариб ва поканиб яшашга ундайди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Хориж

2,6 МИЛЛИОН БОЛА очликдан нобуд бўлди

Ўтган йили очлик оқибатида дунё бўйича 2,6 миллион бола ҳаётдан кўз юмди. Агар зарур чоралар қўрилмаса, 450 миллиондан ортиқ бола очлик сабабли кейинги 15 йилда соғлом ўса олмайдми, дейилади «Save the Children» халқаро инсонпарварлик ташкилоти мамбаларига асосланиб «Guardian» газетаси тарқатган хабарда.



Ташкилот раҳбари Жастин Форсайнинг айтишича, ривожланаётган мамлакатларда ҳар уч боладан бири тўйиб овқат емаслик оқибатида азият чекади.

Ҳиндистонда 48 фоиз бола озиқ-овқат етишмаслиги боис ривожланишда ўз тенгқурларидан ортда қолмоқда.

Шунингдек, Нигерия ва Танзанияда аҳоли сонининг тез ўсиши оқибатида озиқ-овқат тақчиллиги кучайиб бормоқда. Кўпгина ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат нархининг ўсиши вазиятнинг янада оғирлаштиради. Шу боис ҳам дунё фаоллари жаҳон ҳамжамиятини очликка қарши халқаро миқёсда амалий чоралар қуришга қачирмоқда, дейин халқаро саммитларда бу масала кун тартибига қўйилишини хошламоқда.

НЕФТЬ ҚАЗИБ ОЛИШ ҲАЖМИ ортиб бормоқда

Ироқ бош вазирининг ўринбосари Хусайн ал-Шахристиони баён қилишича, дейилади «AFP» АА хабарига, мамлакатда нефть қазиб олиш ҳажми 1979 йилги юқори кўрсаткичдан ўзиб кетди, яъни шу кунларда бир кеча-кундузда уч миллион баррелдан ортиқ нефть қазиб олиномоқда. Бу кўрсаткич янада ошириб борилади — жорий йилнинг охирига бориб нефть қазиб олиш даражаси бир кеча-кундузда 3,4 миллион баррелга етказилади, 2017 йилда эса маъмур рақам 12 миллион баррелни ташкил этади.

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти — ОПЕК маълум қилишича, ўтган ойда ташкилотта аъзо давлатларнинг умумий нефть қазиб

олиш даражаси бир кеча-кундузда 31,23 миллион баррелга етган. Бу асосан Саудия Арабистони ва Ироқда нефть қазиб олиш даражасининг ўсиши ҳисобига қайд этилган.

Аммо шунга таъкидлаш жоизки, нефть қазиб олиш ўсаётган бўлса-да, унинг нархи тушаётгани йўқ, қайта кўтарилиб бормоқда. Бунга асосан АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан жорий йилнинг январидан Эронга нисбатан эълон қилинган иқтисодий санкция ва Эрон нефтига нисбатан эълон қилинган эмбарго сабаб бўлмоқда.

Ҳозир «Brent» русумли нефтининг бир баррели 123 доллардан ортиқ, «WTI» русумидагиси эса 107 долларга яқин баҳода сотилмоқда.

Баркамол авлод орзуси

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, САЛОМАТЛИГИ, СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ ДОЛЗАРЪ МАСАЛА



Пойтахтимиздаги «Shodlik palace» меҳмонхонасининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан «Баркамол авлодни тарбиялашда амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли ва вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

— Бугунги семинардан қўзланган мақсад баркамол авлод таълим-тарбияси борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни янада кенгрок таништиришдир, — дейди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Шу жумладан ёшларнинг ақлан ва жисмонан юксалишида спортнинг ўрни ва аҳамиятини тўлароқ ёритиш, оилавий спортни ривожлантириш ва хотин-қизларни спорт билан шугулланишга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали ёшларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда оммавий ахборот воситалари ва килларнинг масъулиятини янада оширишдан иборат.

латларнинг олий ўқув юртли фаолият кўрсатяпти. Умумий ҳисобда 76 та олий таълим муассасаси мавжуд. Ушбу илм даргоҳларида 300 мингга яқин талаба ёшлар таълим олмақда. Олий ўқув юртлида 146 та замонавий спорт заллари бўлиб, улар зарур анжомлар билан тўла таъминланган. Бундан ташқари, 52 та футбол, 70 та кўл тўпи, 150 та волейбол, 112 та баскетбол майдончалари, 43 та теннис кортлари, 86 та югуриш йўлақлари ёшларимиз ихтиёрида. Юқоридаги рақамларни келтиришдан мақсад шунки, мамлакатимизда нафақат мактаб ўқувчиларининг, балки талабаларнинг ҳам спортнинг оммавий турлари билан мунтазам шугулланишлари учун керакли шароитлар яратилган.

— Бизнинг пинчак-силат нодавлат нотижорат ташкилотимизнинг Наманган вилоятидаги фаолиятини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси маслаҳатчи аналитиги Азиз Ходжаев. — Ушбу спорт тури бизга яқинда кириб келган бўлса ҳам пинчак-силат бўйича мамлакатимиз, хусусан наманганлик спортчилар кўзга кўринарли ютуқларга эришиб келмоқда. 2010 йилда республика пинчак-силат

спорт клуби Наманган вилоят бўлими томонидан 37 та медал кўлга киритилди. 2011 йилда эса водийлик спортчилар 83 та медал соҳибига айланмишди. Вилоят пинчак-силат спорт тури бўлими бошлиғи Абдулла Тошбоевнинг айтишига қараганда, улар «Баркамол авлод — келажак пойдевори» лойиҳасида грант ютиб олишган. Лойиҳанинг амалга оширишда маҳаллий ҳокимлик органларининг ҳам хиссаси катта бўлган. Яъни, бу ерда ижтимоий шериклик асосида бажарилган лойиҳа бир спорт турининг ривожига хизмат қилган.

— Мамлакатимизда спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бoshқармаси бошлиғи Дилором Аҳмедова. — Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бормоқда. Бугун халқимиз шунинг англаб етдики, спорт билан шугулланган бола аввало соғлом бўлади. Қолаверса, турли ёмон иллатлардан фарзандларимизни айнан спорт химоя қилади. Бир мутахассис шифокор сифатида эътиборингизни қуйидаги рақамларга қаратмоқчиман. 2005-2011 йилларда мамлакатимизда мутлақ соғлом болалар 52,7 фоиздан 62,9 фоизга ўсди. Сурункали касалликка чалинган болалар сони кескин камайди. Уғил ва қизларнинг ўртача бўйи ва вазни ортиб бормоқда.

— Жорий йилнинг 10 февраль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамағмаси Ҳомийлик кенгаши-

нинг навбатдаги ййгилишида Юртбошимиз спорт бугун таълим-тарбия тизимининг узвий қисми эканлигини таъкидлаган ҳолда уни таълим билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш — биз танлаган йўлнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлади, — дейди Республика Болалар спортини ривожлантириш жамағмаси бosh мутахассиси Утқурбек Рашидов. — Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар бир маҳалла, оила, қолаверса, кенг жамоатчилик орасида татбиқ этиш учун барча шароитлар яратилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида унлаб замонавий спорт мажмуалари, стадионлар бунёд этилди. Ушбу эзгу сай-харакатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шугулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

— 2011 йилда маҳаллий ҳокимликлар томонидан болаларни, шу жумладан қизларни оммавий спортга жалб этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, — дейди Республика Хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси Маммура Юнусова. — Спорт билан шугулланувчи хотин-қизлар сифини кенгайтириш мақсадида бугунги кунда «Аёл ва спорт» худудий комиссиялари, 12 та синхрон сузиш, 14 та бадий гимнастика федерацияларининг худудий бўлиналари ташкил этилган. Бугунги кунда уларнинг фаолиятини янада ошириш юзасидан турли хил мусобақалар, тадбирлар, учрашувлар, марафон ва фестиваллар ўтказиб келинмоқда...

Мазкур семинардан қўзланган мақсад — болалар саломатлигини даъво қилиш, уларнинг таълим-тарбиясида мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлиги, бу борада мутасаддилар масъулиятини янада ошириш, қолаверса, ушбу масалалар тарғибот-ташвиқотида биз журналистларнинг вазифаларини мизни яна бир бор эслатиш эди. Менинг назаримда тадбир давомида бунга эришилди.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Суратда: Нукус олимпия захиралари коллежи ўқувчилари.

НУКСАК ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, қизларни спортга янада кенг жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлган каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган спортчи қизларга Президент совғаси — спорт кийимларини топшириш маросимлари бўлиб ўтди. Барча туманларда ташкил этилган ана шундай тадбирларда маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт мураббийлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. 8

мингдан зиёд спортчи қизга спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамағмаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йиллар мобайнида юздан зиёд барча қулайликларга эга замонавий спорт иншоотлари қурилди ва улар спорт инвентарлари билан таъминланди. Болалар учун қўллаб-қувватлаш майдончалари, сузиш ҳавзалари, спорт заллари барпо этилди.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ташкилот қуйидаги моддий-техника воситаларни сотиш учун тендер эълон қилади:

Навбатчи механик вағони (1983 й.)-1 дона
Заправкачи будкаси (1972 й.)-1 дона
Механик ювчи қурилмаси (1982 й.)-1 дона
Кўчма автозаправка станцияси, 6400 литр (1990й.)

Заправка колонкаси (1983 й.)
Сигим № 02114 (1979 й.)
Сигим № 02115,5200 литр (1979 й.)
Автоулос учун соябон, 464 кв.метр

Маълумот учун телефонлар: 239-18-49, 239-19-73
Факс: 239-13-20

КУЧЛИЛАР НАВОЙИГА БОРАДИ

Жорий йилда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинларининг финал босқичига Навоий вилояти мезбонлик қилади. Айни пайтда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизда ана шу нуфузли мусобақага пухта ҳозирлик қилинмоқда. Уч (туман, вилоят ҳамда республика) босқичда ташкил этиладиган мусобақалар жойларда зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

— Болалар ва ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга қизиқишни янада кучайтириш, спорт оммавийлигини оширишда «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг аҳамияти жуда катта, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Ешлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари Б.Бекмуратов. — Ҳозирда республика миқёсида спорт ўйинларининг Навоийда бўладиган финал босқичида ўн икки спорт тури бўйича иштирок этадиган терма жамоаларимиз шакллантирилмоқда. Бунгача мавжуд ўқув муассасаларимизда кузги ва қишки таътил чоғида уч (мактаб, туман ва худудий) босқичда мусобақалар ўтказилди. Бахсларда жами 322560 ўқувчи иштирок этган бўлса, улардан 139698 нафарини қизлар ташкил этганлиги айниқса, қувонарлидир.

— «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинларида қорақалпоғистонликлар энг кучли, энг абжир спортчи-ўқувчилар билан қатнашадилар. Режага мувофиқ, 22-31 март кунлари Нукус шаҳрида футбол, баскетбол, бадий гимнастика, сузиш, спорт гимнастикаси, кўл

тўпи, стол тенниси, кураш, енгил атлетика, белбоғли кураш, теннис ҳамда шохмат бўйича бахслар ўтказилади. Унда голибликни кўлга киритган спортчилар Навоийда бўладиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг финал босқичига йўлланмаларни кўлга киритишади.

Эътиборли жиҳати, бошқа спорт турлари каби Қорақалпоғистонда кейинги йилларда спортнинг сузиш, бадий ва спорт гимнастика турлари жадал ривожланиб бормоқда. Айни чоғда бадий гимнастика бўйича Алина Ким, Ҳамре Муратова, Гулчатоӣ Кабулова сингари истеъдодли қизларнинг мамлакат миқёсида эришаётган натижалари сўзимиз тасдиғидир. Ҳозирда биргина ушбу спорт тури бўйича Қорақалпоғистонда юздан зиёд тўғрақлар билан мунтазам фаолият кўрсатётган бўлса, уларда 1750 нафар қизалоқ бадий гимнастикага ошно тутинган. Уларга эса 56 нафар мураббий машғулотлар ўтмоқда.

— Олти ёшимдан бери бадий гимнастика билан шугулланманман, — дейди Гулчатоӣ Кабулова. — Ҳозир Нукус шаҳридаги 16-умумтаълим мактабининг



7-синфида таълим оляпман. Дарсдан бўш вақтларимни спортнинг нафис турини пухта ўзлаштириш, ўз маҳоратимни оширишга сарфлайман.

2009 йили Гулистонда ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларида бронза медалига сазовор бўлгандим. Ўтган уч йил давомида тажрибамни оширишга ҳаракат қилдим. Бир неча марта Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги мусобақаларида муносиб иштирок этдим. Умид қиламанки, Навоийда бўладиган мусобақаларнинг финал босқичига йўлланмани кўлга киритаман ва албатта, юқори натижаларга эришаман.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВНИ ХОТИРЛАБ...

Шу кунларда пойтахтимизда биринчи ўзбек гросмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир қизғин давом этапти. Олтинчи маротаба ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада Россия, Белоруссия, Украина, Озарбайжон, Грузия, Индонезия, АҚШ, Исроил сингари дунёнинг ўн тўрт давлатидан келган шохмат усталари дона суришмоқда.



Марат Жумаев, Иброҳим Каримов каби маҳоратли ва таниқли шохматчиларимизга ишонч билдиришган.

Швейцарча тизимда кечаётган бахсларда ҳозирча беш имкониятдан 4,5 очко жамгарган Рауф Мамедов (2624, Озарбайжон) ҳамда Максим Туров (2658, Россия)лар пешқадамлик қилаётир. Турнирда мутахассисларимиз Антон Филиппов,

ГОЛИБЛАР ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида дзюдо бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 536 нафар полвон голиблик учун гиламга чиқди.



Беллашувлар якунида ўз вазн тоифасида хоразмлик Диёр Уразбоев (60 кг), бухоролик Ҳамид Мўминов

(66 кг), самарқандлик Арсен Бабаев (73 кг), тошкентлик Шуҳрат Арслонов (81 кг), Соҳиб Курбанов (100 кг), самарқандлик Ўткир Саломов (+100 кг)лар олтин медаллар билан тақдирланди. Мутлақ вазн тоифасида қашқадарёлик Шерали Жўраевга тенг келадигани топилмади. — Юртимиз истеъдодлар-

га бой, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бosh мураббийи Андрей Штурбабин. — Дзюдочиларимиз айни пайтда Лондон олимпиадаси йўлланмаси учун курашини давом эттиришмоқда. Шу боис, мазкур чемпионатда асосан терма жамоага номзод полвонларни синовдан ўтказдик. Хабарингиз бор, апрель ойида пойтахтимиз дзюдо бўйича навбатдаги Осие чемпионатига мезбонлик қилади. Ўзбекистон чемпионатига голибликни кўлга киритган дзюдочиларимиз ана шу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини химоя қиладилар.

Эркин ХОЛБОБО

Table with weather forecasts for various cities including London, Paris, Moscow, Madrid, Beijing, Hong Kong, Rome, Ankara, Tokyo, Stockholm, Taipei, Qohira, Havana, and Washington.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afar HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Kотибиyat. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.15 Topshirilgan vaqti — 02.00. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2008-7633. 1 2 3 4 5